


Ражаб ойидаги амаллар



09:19 / 13 январь 49240

Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар ва Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга дуруду саломлар бўлсин.

Ражаб ойи тўғрисида одамлар орасида турли нотўғри тушунчалар тарқалиб қолган. Унинг ҳақиқатини тушуниб олиш барча мусулмонлар учун лозимдир.

НАБИЙ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ РАЖАБ ОЙИНИ КЎРГАНДА ҚИЛГАН АМАЛЛАРИ

لَخَدَّ إِذِ الْمَسْوَءِ لَعْنَةُ الْجَلِيلِ لِيَصِيَّبَنَّ لَنَا لَقُوءَ نَعْمٌ لَلْإِيضَةِ كَلَامِ نَبِيٍّ سَنَأُوْعُ
"نَاصِرَ مَرَأَنُوعٍ لَبَّوْ، نَابِعَ شَوْبِجَرِي فَالْكَرَابُ مُهَلْالًا" لَقُوءُ بَجَرِ

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ражаб ойи кирса, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳумма баарик ланаа фий ражабин ва шаъбана, ва баллиғнаа ромазона», дер эдилар» (Байҳақий ривоят қилган).

Таржимаси: **«Аллоҳим! Ражаб ва шаъбон ойларида бизга барака бергин ва Рамазон ойига етказгин».**

«Рамазон ойига етказгин», деб дуо қилиш Рамазон ойига муштоқ бўлишдир. Ушбу дуо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан саҳиҳ санад билан собит бўлгандир. Шунинг учун ражаб ойи кирганда ушбу дуони

қилиш суннат ҳисобланади. Ушбу дуонинг суннат эканини билмаганлиги учун Ражаб ойи кирганида уни ўқимаган киши ражаб ойининг қайси куни бу амал суннат эканини эшитса, ўша куни ўқиса бўлаверади. Бундан бошқа халқ орасида ражаб ойида қилиш керак, деб тарқалган амалларнинг барчасининг асли йўқдир.

МЕЪРОЖ КЕЧАСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Халқ орасида ражаб ойининг 27 кечаси меърож кечаси бўлиб, уни қадр кечаси каби ўтказиш керак, деган гап-сўзлар машҳур бўлиб қолган. Ҳатто баъзилар меърож кечасида ўқиладиган муҳсос намозлар борлигини ҳам айтиб юришади. Яна айтишларича, меърож кечасида ўқиладиган намозларнинг ҳар бир ракъатида фалон, фалон хос суралар ўқилар эмиш. Меърож кечасида одамлар орасида яна қандай тафсилотга эга намозлар машҳур бўлиб кетганини Аллоҳ билади. Ҳар биримиз яхшилаб билиб олишимиз керакки, бу гапларнинг ҳеч бири шариятда бирор асосга суянган эмас.

МЕЪРОЖ КЕЧАСИНИ ТАЙИН ҚИЛИШДАГИ ИХТИЛОФ

Билингки, ражаб ойининг 27 кечаси Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам меърожга чиққанлар, деб аниқ ишонч билан айтиб бўлмайди. Чунки бу борада турли ривоятлар мавжуд. Баъзи ривоятларда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам меърожга робиъул аввал ойида чиққанлар, дейилса, баъзиларида ражаб ойи, яна бошқа ривоятларда эса бошқа ойларнинг номи зикр қилинган. Шунинг учун аниқ ишонч билан «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фалон кечада меърожга чиққанлар», деб айтиш дуруст эмас.

НИМА УЧУН МЕЪРОЖ ВОҚЕАСИНИНГ САНАСИ МАЪЛУМ ЭМАС?

Шундан билиб олиш мумкинки, агар меърож кечаси қадр каби махсус кеча бўлганида, албатта, қадр кечаси каби у ҳақда ҳам оят ёки ҳадислар орқали махсус бир ҳукм собит бўлган ва у куннинг тарихини, ойини ёдда тутишга катта эътибор қаратилган бўлар эди. Лекин меърож кечасининг тарихини ёдда тутишга қаттиқ эътибор берилган эмас. Демак, «Ражаб ойининг 27

кечаси меърож кечасидир», деб аниқ тарзда айтиш дуруст эмас.

У УЛУҒ КЕЧАДИР

Меърож кечасида буюк воқеалар содир бўлганлигида шак-шубҳа йўқ. Чунки унда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам осмонга кўтарилиб, у зотга «қурб мақоми», умматларга намоз тухфаси ато этилган. Ҳеч қандай шаксиз у кеча улуғ кечадир. Ҳеч қайси мусулмон у кечанинг улуғлигига шубҳа қилмайди.

НАБИЙ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ҲАЁТЛАРИДА МЕЪРОЖ БЎЛГАН САНА ЎН САККИЗ МАРТА КЕЛГАН

Меърож кечаси пайғамбарликнинг бешинчи йили содир бўлган. Шу воқеадан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн саккиз йил яшадилар. Лекин шу йиллар мобайнида у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам меърож кечаси борасида бирорта махсус ҳукмга буюрмаганлар ёки у кечага алоҳида эътибор қаратмаганлар ёки меърож кечаси қадр кечаси каби зиёда ажру савоб кечаси, деган эмаслар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан бу кеча ҳақида на бирор амал собит бўлган ва на у зот даврларида у кечани нишонлашга алоҳида эътибор қаратилган, на Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари у кечага алоҳида эътибор қаратганлар ва на саҳобийлар у кеча ҳақида бирор сўз айтганлар, на алоҳида эътибор билан нишонлаганлар.

У КАБИ БИРОР АҲМОҚ ЙЎҚ

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу оламни тарк этганларидан кейин юз йилгача саҳобийлар дунёда мавжуд бўлганлар. Ана шу юз йил ичида бирор саҳобийнинг ражаб ойининг 27 кечасига алоҳида эътибор берганлиги ҳақида бирор нарса собит бўлмаган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида мавжуд бўлмаган нарсалар саҳобийлар замоналарида ҳам мавжуд бўлмаган. Шундай экан, меърож кечасини диннинг бир бўлаги деб айтиш ёки суннат дейиш ёки у билан суннат каби муомала қилиш бидъатдир.

Қайси кеча қандай фазилатга эга эканини ким Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра яхши билувчи ёки саҳобаи киромлардан кўра ибодатга шавқлироқ бўлиши мумкин? Айтниг-чи, у зот айтмаган гапларни айтиб, саҳобалар қилмаган ибодатни қилишга уринган кишидан кўра аҳмоқроқ киши борми?

ДИННИ САҲОБИЙЛАРДАН КЎРА ЯХШИРОҚ БИЛУВЧИ БОРМИ?

Саҳобий, тобеъин ва табаа тобеъинлар динга тегишли ҳар бир нарсанинг ҳақиқатини барчадан зиёда билувчи, яхши тушунувчи ва динга мукамал тарзда амал қилувчи инсонлар бўлишган. Агар бир киши: «Мен уларга нисбатан динни яхши билувчиман» ёки «Диннинг завқини улардан яхшироқ ҳис қилувчиман» ёки «Улардан кўра ибодатлиман», деса, ҳақиқатда у киши телбадир ва диннинг ҳақиқатини тушунмабди.

БУ КЕЧАДА ХОС ТАРЗДА ИБОДАТГА ЭЪТИБОР БЕРИШ БИДЪАТ

Ражаб ойининг 27 кечасига хос тарзда ибодат учун эътибор қаратиш бидъатдир. Аслини олганда, Аллоҳ таоло қайси кечада ибодат қилишга тавфиқ берса, нур устига нур. Лекин бир кунни алоҳида ибодатга хос тарзда тайин қилиб бўлмайди.

صخر لراب لمع يملو امزع هلعج و بوندم رمأ لىلع رصأ نم أن هيفو يببطل للاق
ركنم وأة د ب لىلع رصأ نم فيكف لالضإل نم ناطيشلله نم باصأ دقف

“Тийбий раҳматуллоҳи алайҳ айтди: “Бундан келиб чиқадики, ким мустаҳаб ишда бардавом бўлиб, буни қилмасам бўлмайди деган эътиқодда бўлса ва рухсатга амал қилмаса, шайтон уни адаштиришга муваффақ бўлибди. Энди, бидъат ва мункар ишда қаттиқ туриб олган кишининг ҳоли қандай бўлади” (Мирқотул мафотих).

27 РАЖАБ РЎЗАСИ

Шунингдек, 27 ражаб кунининг рўзаси ҳақида баъзи одамлар «Ашуро ва арафа кунларининг рўзаси каби, ражаб ойи рўзасининг фазилати бор», деб тушунадилар. Ражаб ойининг рўзаси ҳақида бир-иккита заиф ривоятлар

нақл қилинган. Лекин бу ҳақда саҳиҳ санад билан бирор ривоят собит бўлмаган.

УМАР РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ ТОМОНЛАРИДАН БИДЪАТ ЭШИГИНИНГ ЁПИЛИШИ

Умар розияллоҳу анҳунинг даврларида баъзи одамлар ражаб ойининг 27-куни рўза тутар эдилар. У киши розияллоҳу анҳуга бу ҳақда хабар борди. Диндан бир қадам ҳам силжиш мумкин бўлмаган ўша пайтда кишиларнинг ўша куни рўза тутишларидан хабар топган Умар розияллоҳу анҳу уйларидан шошиб чиқиб, баъзи кишиларнинг олдига бориб, зўрлик билан: «Рўза тутмаганингизни билишим учун менинг олдимда овқат енглар», дедилар. Кишилар орасида тарқаб қолган «Бу кунда тутилган рўза зиёда фазилатлидир», деган эътиқодни бекор қилиш учун Умар розияллоҳу анҳу қаттиқ туриб, ўша куни рўза тутганларни овқат ейишга мажбур қилдилар. Ражаб ойининг 27-куни тутиладиган рўзанинг фазилати ҳам бошқа кунларда тутиладиган нафл рўзанинг фазилати билан бир хил, деган эътиқод билан нафл рўза тутиш мумкин. Яхшилаб билиб олиш лозимки, икки нафл рўза орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Лекин Умар розияллоҳу анҳу бу ишга бидъат эшигини беркитиш ва кишилар томонидан динга қўшимча киритилишидан сақланиш мақсадида шундай қилдилар.

ЎША КЕЧАДА ТУРИШНИНГ ҚАНДАЙ ЁМОН ТОМОНИ БОР?

Баъзилар: «Ражаб ойининг 27 кечаси туриб, ибодат қилиш, кундузи рўза тутишнинг қандай ёмон томони бор? Ўғрилиқ қилдикми ёки шароб ичдикми ёки қароқчилик қилдикми? Кечаси ибодат қилиб, кундузи рўза тутсак, бунинг нимаси ёмон?» дейишлари мумкин.

ДИН - БУ ЭРГАШИШ

Умар розияллоҳу анҳу: «Аллоҳ таоло ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан буйруқ ва тавсия бўлмаган кунда ҳар ким ўзининг хоҳиши ва сохта эътибори билан рўза тутиши асл мусибатдир», деганлар.

Дин бу эргашиш ва итоат қилишдир, яъни Аллоҳ таолонинг амрига, Унинг ҳукмларига қулоқ тутиш ва итоат этишдир. Аллоҳ таоло рўза тутмасликда

ҳам, рўза тутишда ҳам, намоз ўқимасликда ҳам, намоз ўқишда ҳам бир ҳукми тайин қилгандир. У Зот бизга «Намоз ўқиманглар», деган ўринларда намоз ўқимаслик ибодатдир. Аллоҳ таоло «Рўза тутинглар» деган ўринларда рўза тутиш биз учун ибодатдир ва Аллоҳ таоло «Рўза тутманглар», деган ўринда рўза тутмаслигимиз ҳам ибодатдир. Агар Аллоҳ таоло «Рўза тутманглар», деган ўринларда рўза тутсак, «Намоз ўқиманглар», деган ўринда намоз ўқисак, динга хилоф иш қилган бўламиз. Билингки, диннинг асли эргашиш ва итоатдир. Агар Аллоҳ таоло шу гапларни дилимизга солса, барча бидъатлар ўз-ўзидан таг-томири билан йўқ бўлиб кетади.

ДИНГА ЗИЁДА ҚИЛИШ

Бир киши ражаб ойининг 27-куни рўзасига алоҳида эътибор қаратса, у шахс динга ўз томонидан бир қўшимча киритган бўлади. Шунинг учун ражаб ойида алоҳида эътибор билан рўза тутиш жоиз эмас. Ҳа, агар бошқа ойлар ва кунларда рўза тутиб юрган одам ражаб ойида ҳам рўза тутишни ирода қилса, ҳеч қандай муаммосиз рўза тутиши мумкин ва бундан қайтарилмайди. Лекин аксинча, ражаб ойида рўза тутиш фазилатли, деб тушуниб ёки суннат ёки мустаҳаб ёки зиёда ажру савобга ҳақли деб билиб рўза тутса ёки ражаб ойининг 27 кечасини алоҳида эътибор билан нишонласа, бидъат ишга қўл урган бўлади.

РАЖАБ ОЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЗИЁФАТ УЮШТИРИШ

Меърож кечаси бор ҳақиқатдир, яъни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у кечада Осмонга кўтарилганлар. Лекин унинг аниқ қайси кунда содир бўлганлиги маълум эмас. Ражаб ойида меърож кечасига алоҳида урғу бериб нишонлашдан бошқа яна бир асли йўқ маросим, яъни ражаб ойи кириши муносабати билан халққа дастурхон ёзиш, фотиҳахонлик удум бўлиб қолган ва ҳатто бу анъана оми халқ наздида фарз, вожиб даражасига ҳам кўтарилиб кетган. Баъзи минтақаларда ражаб ойида дастурхон ёзмаган инсонларни, у хоҳ намоз ўқисин, хоҳ ўқимасин, хоҳ рўза тутсин, хоҳ тутмасин, хоҳ гуноҳдан тийилсин, хоҳ тийилмасин, мусулмонлигига шубҳа қилиб қоладилар. Уларнинг тушунчасида ражаб ойининг биринчи кунда фотиҳахонликка юрмаган, яқинларидан бирортаси вафот этган киши эшигини очиб турилмаганлар ҳақида турли

куракда турмайдиган гап қиладилар. Агар бирор киши бу маросимни ўтказишга қаршилиқ қилса, барча халқ уни маломат қилиб, ҳақоратлайдилар. Лекин ушбу анъананинг ким томонидан жорий қилинганини ҳеч ким билмайди. Аслини олганда ражаб ойи муносабати билан зиёфат уюштириш на Қуръони каримда, на ҳадиси шарифда, на саҳобий, тобеъин ва табаа тобеъинларнинг сўз ва феълларида мавжуд.

БИЗЛАР ХУРОФОТГА БОТИБ ҚОЛДИК

Бу нарсалар бизни хурофотга мубтало қилди. Бу ҳақда ушбу шеърини парчада шундай дейилади:

Ҳақиқатлар ривоятда қолиб кетди,

Бу уммат хурофотга ботиб кетди.

Борган сайин асли йўқ нарсалар ортидан изма-из, қадамма-қадам юриб борилмоқда-ю, ҳақиқати бор, амал қилишимиз лозим бўлган нарсалар четда қолиб кетмоқда. Буларнинг қайси бири ҳақиқию, қайси бири сохта экани ҳақида секин-аста дўстларимизга тушунтириб боришимиз лозим. Чунки аксарият халқ бу бидъат-хурофотларни билмай қилмоқда. Улар бу амалларни қайсарликлари сабабли эмас, балки билмаганликлари туфайли қилишмоқда. У бечораларда бундай амаллар ҳақида умуман маълумот йўқ. Улар ражаб ойида қилинадиган зиёфатни қурбонлик каби зарурий ва Қуръони карим ҳамда ҳадиси шариф билан собит бўлган амал деб тушунадилар. Шунинг учун бундай кишиларга бу ҳақда муҳаббат ва шафқат билан хабар бериш ва тушунтириш лозим.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ражаб ойи борасида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан нақл қилинган **«Аллоҳумма баарик ланаа фий ражабин ва шаъбана, ва баллиғнаа рамазона»**, яъни **«Аллоҳим! Ражаб ва шаъбон ойларида бизга барака бергин ва рамазон ойига етказгин»**, деган дуони қилиш суннатдир.

Абудуманнон Қосимий